O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1998 йил 7 ноябрь, шанба • № 87 (11.070) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Президенти Ислом Каримов 6 ноябрь куни ЮНЕСКО бош директори Федерико Майор раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар билан кўришиб турганидан мамнуният изҳор этар экан, Ф. Майорнинг Ўзбекистонга келишига сабаб бўлган воқеа — ЮНЕСКО ижроия кенгаши 155-кўчма сессиясининг якуний йиғилишига тўхталди.

— Тошкентда нуфузли халқаро ташкилотларнинг кўчма мажлислари кўп ўтказилади, — деди Ислом Каримов. — Лекин улар орасида ЮНЕСКО ижроия кенгашининг анжумани алоҳида ўрин тутади. Бу ташкилот бутун дунёда бўлгани сингари Ўзбекистонда ҳам катта обрў-эътибор ва ҳурмат қозонган. Ўзаро алоқаларга келсак, ҳамкорлик алоқалари ўрнатилганидан бери кўп вақт ўтмаган бўлса-да, жуда кўп ва катта ишлар қилинди. Биргаликда амалга оширилган тадбирлар рўйхатига назар ташлаган киши бу ҳамкорликнинг нечоғли равнақ топганига гувоҳ бўлади.

Дарҳақиқат, Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО билан ҳамкорлик алоқалари жуда кенг ва серқиррадир. ЮНЕСКО бош конференциясининг 1997 йилда бўлган 29-сессиясида Ўзбекистон унинг бошқарув органи — Ижроия кенгашига аъзо этиб сайлангани, ўша йили ушбу ташкилот раҳнамолиги остида юртимизда ўтказилган XII халқаро Тошкент кинофестивали ҳамда «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали ўзаро муносабатлар тарихидаги энг ёрқин саҳифалардандир. Бундан ташқари ЮНЕСКО билан ҳамкорликда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги, бобокалонимиз Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган халқаро тадбирлар катта муваффақият билан ўтди. Яқинда эса икки улуғ аллома Имом ал-Бухорийнинг 1225 йиллиги ва Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллик юбилейлари кенг нишонланди.

Президент Ислом Каримов ЮНЕСКО раҳбарлари билан учрашувида ўзаро муносабатларнинг жадал ривожланиб бораётганини таъкидлаб, ҳамкорлик алоқалар кўлами бундан буён ҳам кенгайиб бораверишига умид билдирди.

ЮНЕСКО бош директори Ф. Майор кўрсатилган самимият ва эҳтиром учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Суҳбат чоғида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид, шунингдек, ЮНЕСКО ижроия кенгашининг Тошкентдаги анжумани кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида Бош Вазир ўринбосари Ҳ. Каромов, Ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Олий Мажлисида 5 ноябрь куни республика оммавий ахборот воситалари раҳбарлари билан кенгаш бўлиб ўтди. Унда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида» Олий Мажлис Кенгаши яқинда қабул қилган қароридан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида бўладиган сайловларнинг ижтимоий-сиёсий аҳамияти, уларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Журналистлар олдида сўзга чиққан Олий Мажлис депутатлари Омон Олимжонов, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов, Шуҳрат Жалилов, Олий Мажлис котибиятининг масъул ходимлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқларини кенгайтириш, давлат ҳокимияти органларининг айрим ваколатларини маҳаллий органларга аста-секин бериш жиҳатидан бўлажак сайловларнинг аҳамиятига алоҳида урғу бердилар.

Оммавий ахборот воситаларининг вакиллари сайловолди тадбирлари ва сайловларни ўтказиш чоғида қонун ҳужжатларига риоя этиш зарурлиги хусусидаги тавсияларни ҳам тингладилар. Журналистларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари бўлажак сайловида аҳолининг фаол иштирок этишининг, жойларда амалдаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя қилишнинг аҳамиятини кенг тушунтириб бориш тавсия этилди. Шу муносабат билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида фуқаролар йиғинларининг ишини мунтазам ёритиб бориш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Сўзга чиққан қатнашчилар якдиллик билан шуни таъкидладиларки, республика ўз тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичини бошлаган ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш вазифаси биринчи галдаги вазифалар сирасига киритилган бугунги кунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига аҳоли ўртасида катта обрў-эътиборга эга бўлган одамларни сайлаш муҳим аҳамиятга эга.

Кенгашда сайлов компаниясини оммавий ахборот воситаларида ўз вақтида ва кенг ёритиб бориш, бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирни ўтказишда матбуот, телевидение ва радионинг ролини ошириш юзасидан бир қанча таклифлар билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б. Олимжоновни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлаш тўғрисида

Бахтиёр Олимжонов Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 5 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

И. О. Бобожоновни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлаш тўғрисида

Ислом Олимович Бобожонов Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазири этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 5 ноябрь

Ғазалкентдаги «Конмит» қўшма корхонаси бир неча йилдан бери истеъмол бозори учун маҳсулот етказиб бермоқда. Бу ерда тайёрланаётган турли хил печеньелар, айниқса, крекер катта-кичик ёшдаги барча харидорларга жуда манзур бўлмоқда. Буни ҳисобга олган корхона жамоаси ишлаб чиқариш мароминнинг доим бир хил бўлишини таъминламоқда. Маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сифатини яхшилашнинг янги-янги имкониятларини ишга солмоқда. Соз ва тез ишлашда крекер цехи ишчи-хизматчилари бошқаларга намуна бўлишяпти. Бу цехда олинган ушбу суратларда смена устаси Қўчқор Самбетов билан назорат-ўлчов асбоблари ва автоматлаштириш муҳандиси Илдус Шмаковни иш жараёнининг боришини кузатаётган вақтда, қадоқловчи Уснора Ўчқиновани иш устида кўриб турибсиз.

Владимир ГРАНКИН олган суратлар.

Кеча Тошкентда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуний йиғилиши иш бошлади

МАЪНАВИЯТ ҲАММА НАРСАДАН УЛУҒ

ИНСОНИЯТ ирқи, миллати, маслагидан қатъий назар доимо аждодлари қолдирган маданий бойликлар, қадриятлар, урф-одатларига буюк ҳурмат билан қараб келган. Уларни асраб-авайлаш, келгуси авлодга ҳам бешикаст етказиш учун қайғурган. Бироқ бугунги замонда маънавий бойликларни сақлаб қолиш учун, аввало, қонли можароларга барҳам бериш, тинчлик ва тотувликни қарор топтириш, тараққиёт мевалари бўлмиш маданий мерос, осори атиқалар, урф-одатларни асраб-авайлаш, дунё халқларига маърифат улашиш, улар илм-фан ютуқларидан бирдек баҳраманд бўлишига эришиш зарур. БМТ қошида ташкил топган ЮНЕСКО ташкилотининг ўз олдига қўйган эзгу мақсади ҳам ана шу -- инсониятнинг маънавий қадриятларини асраш ва уларни келгуси авлодга етказиш.

Ўзбекистон ўз истиқлолининг дастлабки йиллариданоқ жаҳоннинг кўпғина нуфузли ташкилотлари қатори ЮНЕСКОга ҳам аъзо бўлганининг ўзиёқ Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимизда нафақат иқтисодиётни, балки ижтимоий ва маънавий қадриятларни қайта тиклаш борасидаги ислоҳотлар тўғри йўлдан бораётганига далилдир. Диёримиз эса жаҳон тараққиётида муҳим ўрин тутган, бугунги кунда инсоният томонидан эъзозланаётган қадриятларга, маданий меросга бой ўлкалардан ҳисобланади. Шу боис ҳам ЮНЕСКО Ўзбекистонга алоҳида эътибор билан қарайди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ЮНЕСКО билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорлик мамлакатимиз ҳаётида алоҳида маъно касб эта бошлади. ЮНЕСКО ҳомийлигида юртимизда кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги, буюк мутафаккир Мирзо Улуғбек таваллудининг 600 йиллиги ўтказилиши, қадимий Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллик тантаналари дунё миқёсида нишонланиши, Самарқанд, Хива ва Бухоро шаҳарлари, улардаги қатор меъморий обидалар ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий қадриятлари рўйхатига киритилиши халқимиз ифтихорини янада оширди.

Бугунги кунда Ўзбекистон ЮНЕСКОнинг умумжаҳон миқёсида амалга ошираётган тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Айни пайтда мамлакатимизда ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия фаолият кўрсатаётир. Комиссия идоралараро орган бўлиб, унинг таркибига таълим, фан, маданият ва ахборот соҳасида фаолият кўрсатувчи вазирликлар, идоралар, илмий, ижодий ва жамоат ташкилотларининг вакиллари кирган.

1996 йил ЮНЕСКО ҳомийлигида Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг айнан Самарқандда очилиши ҳам минтақамиз халқлари ҳаётида катта воқеа бўлган эди. Ўшанда ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг ўзи институт очилишида иштирок этиб, Президентимизнинг мамлакатимиз тарихига, маданий меросига катта эътибор қаратаётганини алоҳида таъкидлаганди. Унинг юртимиз тарихий обидалари бўлмиш Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига "Инсоният цивилизациясининг бешиклари" дея таъриф бериши бу кўҳна юртнинг инсоният тараққиёти учун нақадар катта улуш қўшганини эътироф этишидир.

Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ҳамкорликнинг йилдан-йилга ривожланиб бораётганига яна бир ёрқин мисол: Шу йил 6 ноябрь куни ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясини якуний йиғилиши мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтказилади. Мазкур сессияга ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майор ҳамда ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши раиси Пал Патаки раҳбарлигидаги нуфузли делегация Париждан ташриф буюради. Сессия ўтказилиши билан бир қаторда ЮНЕСКО иштирокида қатор тадбирлар, жумладан, Тошкент Давлат университетида Мирзо Улуғбек номидаги физика ва астрономия бўйича ЮНЕСКО кафедрасининг очилиши, Самарқанддаги Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институтининг академия кенгаши сессиясининг ўтказилиши, делегация аъзоларининг қадимий Бухорога ташрифи у ерда ўтказиладиган тантанали маросим ва бошқа кўплаб тадбирлар кўзда тутилган.

Хулоса ўрнида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланиб бораётганига нафақат юртимизнинг маънавий қадриятларга бойлиги, балки мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатнинг ижобий натижалар бераётгани, мамлакатимиз ҳар жиҳатдан барқарор юксалиб, пировард натижада эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бораётгани ҳам сабабдир.

Саидмурод РАҲИМОВ, ЎзА шарҳловчиси.

Вилоят ҳокимлигида

ОҚСОҚОЛДАН ТАЛАБ КАТТА

ВИЛОЯТ ҳокимлигида Президентимизнинг шу йил 28 октябрдаги тўй-ҳашамлар ва марҳумларни ёдга олиш маросимларини тартибга солиш тўғрисидаги Фармони ҳамда республика «Маҳалла» жамғармаси фаолларининг аҳолига ана шу Фармон асосида қабул қилган Мурожаатномаси муносабати билан йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари, ўзини ўзи бошқарув органлари оқсоқоллари, диний идоралар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Йиғилишда республика «Маҳалла» жамғармаси раиси Ш. Жалилов қатнашчиларга мазкур фармоннинг моҳияти ва уни амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирлар ҳақида батафсил гапириб берди.

Нотиқ ўз сўзида бу Фармон халқимиз томонидан мамнунлик билан кутиб олинганлигини, унда айни оддий меҳнаткашлар дилидаги гаплар баён қилинганлигини алоҳида таъкидлади.

— Фармон ҳар биримизнинг кўзимизни очди, — деди у, — ундан ўзимизга сабоқ чиқариб олдик. Лекин, афсуски, бундай манманликка, шуҳратпарастликка берилган, оддий халқнинг нафсониятига тегиб, қинғир-қийшиқ йўллар билан мўмай даромад топиб, босар-тусарини билмай қолган бойваччаларнинг шу пайтгача ҳеч ким жиловини тортиб қўймаган эди. Фақат Президентимизгина ўз Фармони билан бундай иллатларга зарба бериш зарурлигини қайд қилди ва яна бир бор халқимиз ҳимоясига қаттиқ турди.

Ушбу Фармоннинг ижроси бевосита «Маҳалла» жамғармаси зиммасига юкланганлигининг ўзиёқ маҳаллалар фаолларига билдирилган катта ишончдир.

Эндиликда «Маҳалла» жамғармаси, прокуратура органлари, маҳаллий ҳокимлар, хотин-қизлар қўмиталари, диний идоралар ва жамоат ташкилотлари билан биргаликда тўйларни, марҳумларни ёдга олиш маросимларини, никоҳни қайд қилиш идоралари ишини, бўлажак келин-куёвларнинг бу идораларга бориш жараёнини тартибга солиш тадбирларини белгиламоқда. Шу мақсадда юқоридаги ташкилотлар ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат гуруҳлар фаолият кўрсата бошлади.

Айни пайтда йиғилишда жойлардаги айрим қишлоқ фуқаролар йиғинлари, маҳалла оқсоқоллари ким ўзарга тўй қилаётганларга бефарқлик билан қараётганликлари, улар олдида заиф, нўноқ бир кимса бўлиб қолаётганликлари таъкидлаб ўтилди. Орамизда тили қисиқлик туфайли сўзларини ўтказаолмаётган, обрўларини йўқотган оқсоқоллар ҳам йўқ эмас. Бундай ҳолатга чек қўйилиши, эндиликда ўзини ўзи бошқарув органларига ва маҳаллаларга билимли, бугунги кун руҳини тушунган, ҳаётий тажрибага эга бўлган, эл орасида ҳурмат қозонган, одамларга сўзини ўтказа оладиган кишилар раҳбар қилиб тайинланиши зарур.

— Мусулмончиликда ҳеч қандай исломий тўй деган тушунча йўқ, — деди вилоят бош имом хатиби Орифхожи Йўлдошев ўз сўзида, — ҳамма учун бир хил тўй бор. У маромида ўтказиладиган қувонч ва тантанадан иборат. Тўй ихчам, исрофгарчиликсиз ўтиши лозим. Тўйга маҳалланинг кексалари ва тўй эгасининг қариндошуруғлари таклиф қилинса етарли, деб ўйлайман. Бу жиҳатдан Президентимиз Фармони айни муддао бўлди.

Йиғилишда сўзга чиққан «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Мурод Мирзаев аждодларимизнинг тўй ўтказишдаги тажрибалари, ночорларга бўлган меҳру мурувватлари, эътиборлари тўғрисида, Юқоричирчиқ тумани, «Маҳалла» жамғармаси раиси Иззат Султонова эса ўз ҳудудидаги маҳаллаларнинг тўйларни тартибли ташкил этишдаги тажрибалари ҳақида гапириб бердилар.

Йиғилиш қатнашчилари Президентимиз Фармонини, Республика «Маҳалла» жамғармаси мурожаатномасини якдиллик билан маъқулладилар, уларни амалга оширишда фаоллик кўрсатишга аҳд қилдилар.

Йиғилишда вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокими муовини Сайёра Хўжаева иштирок этди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

«ОЛМАЗОР» КЎРКИ

ЗАНГИОТА туманида мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишлаб ободончилик борасида бошланган ташаббус давом этмоқда. «Оила йили»да ўтказилаётган бу тадбир туфайли ҳар бир хонадон кўркамлашиб, тобора чирой очиб бормоқда.

Айни кунларда Ўртаовул қўрғонида 8та маҳалла аъзолари фақатгина ўзлари турар-жойларидаги орасталикка эътибор берибгина қолмай, балки, гўзал хиёбонлар, кўчалар ва йўлакларни ҳам тартибга келтиришди. Шунингдек, ҳар бир турар-жойга ичимлик суви тармоқлари тортилди. Катта йўл бўйида қатор янги савдо дўконлари, чойхона, маиший хизмат кўрсатиш бинолари қад кўтарди. Бундай хайрли ишда Иброҳим Усмонов бошқараётган «Олмазор» маҳалласи фуқаролари етакчилик қилишяпти.

Шуни айтиш керакки, бу ерда турли миллатга мансуб 1400дан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Тадбирларни ўтказишда маҳаллалар ҳомийлари — «Ўзгидравлика» ҳамда «Ўзускунақурувчи» корхоналари маъмуриятидан аҳоли мамнун. Бундан ташқари, қўрғонда ёшлар маърифатига ҳам жиддий эътибор бериляпти. Бу ерда «Оила ва ҳаёт», «Ёшлар-келажагимиз» мавзуида учрашувлар бўлиб ўтди. Бунда 42-ўрта мактаб директори Зокир Усмонов ҳамда Ҳожиакбар Қосимов, Абдукарим Мирзаев сингари малакали ўқитувчилар фаол иштирок этишди.

Шаҳноза АБДУАЗИМОВА.

ОЛМОНИЯ ЖАМҒАРМАСИ — ОЛМАЛИҚДА

ОЛМОНИЯНИНГ Конрад Аденауэр номли жамғармаси Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари вакиллиги яқинда Олмалиқ шаҳрида семинар ўтказди.

«Ҳуқуқий давлатни мустаҳкамлашда судларнинг оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлиги» деган мавзуда ўтган бу семинарда жамғарма вакиллигининг ҳудудий вакили В. Шрайбер, Журналистларни қайта тайёрлаш марказининг ижрочи директори Г. Бобожонова, семинар раҳбари адвокат И. Муратидис, Олмалиқ шаҳар ҳокимининг муовини, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси М. Мавлоновалар сўзга чиқдилар.

Ольга БЛИНКОВА.

324 ИНШООТ СОТИЛДИ

ВИЛОЯТИМИЗ шаҳар ва қишлоқларида давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш ишлари кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Бунда кўчмас мулк иншоотлари, қурилиши тугатилмаган иморатлар, ер участкаларини сотишнинг турли шаклларидан фойдаланилмоқда. Айниқса, Ким ошди ва биржа савдолари жуда қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам бундай тадбирлар тез-тез уюштирилянти.

Жорий йилнинг ўн ойи давомида ҳаммаси бўлиб 77та шундай савдо ўтказилди. Уларда 324та кўчмас мулк объектлари сотилди. Бу йиллик топшириқдагига нисбатан ҳам анча ортиқдир. Сотилган объектлар қиймати назарда тутилганига қараганда 154 фоизни ташкил этди.

Собир ҲАМИДОВ.

«КИБО»ГА ТАЛАБ КАТТА

ЧИРЧИҚДАГИ Ўзбекистон — Олмония ҳамкорлигида ташкил этилган «Кибо» қўшма корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар аҳоли ўртасида тобора харидоргир бўлиб боряпти.

Чунки, фабрикада фақат сифатли, пишиқ-пухта пойабзаллар тайёрланади. Сабаби бу ерда энг замонавий, юқори унумли техника воситалари ўрнатилган. Талабга ва мавсумга қараб пойабзал турлари тез-тез ўзгартириб турилади. Шунинг учун бу ерда тикилаётган бежирим болалар пойабзалларига буюртмалар тобора кўпайиб бормоқда.

Айни кунларда ҳар ойда 20 мингта пойабзал ишлаб чиқараётган корхона жамоаси аҳоли талабини ҳисобга олиб маҳсулот салмоғини ошириш чораларини кўряпти.

Рихситилла КАРИМОВ.

ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

янгиликлар, одамлар, воқеалар

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Қўшма корхоналарда

«ТУСБЮРО» ЕНГИБ ЧИҚҚАН КУН

РЕСПУБЛИКА Марказий банки яқинда идораларда фойдаланишга мўлжалланган мебел жиҳозларининг тендерини уюштирди. Бундан мақсад — мамлакатимиздаги корхоналарда ишлаб чиқарилаётган шундай буюмларнинг энг яхшисини лицей-коллежлар учун сотиб олиш эди. Унда юртимизда идора мебеллари ишлаб чиқараётган кўпчилик корхоналар қатнашди.

Намойиш этилган буюмларнинг аксарияти замонавий талабларга жавоб берадиган тарзда ясалган эди: ихчам, бежирим, кўримли. Шунинг учун ҳам тадбирни ташкил қилганлар улар орасидан энг яхшисини танлашда анча қийналдилар. Ниҳоят «Тусбюро» корхонасида тайёрланган идора мебелларини — стол, стул, диван, креслоларни маъқул деб топдилар. Уларни сотиб олиш бўйича шартнома ҳам имзоладилар. Бундай ғолибликнинг омили шундаки, корхонада ўрнатилган хорижий асбоб-ускуналар, жорий этилган ишлаб чиқариш технологияси ҳам замонавий. Фойдаланилаётган хом ашё ва материаллар сифатлилиги билан ажралиб туради. Мебеллар устига пластика қопланган. У буюмларнинг кўримли ва чидамли бўлишини таъминлайди. Шу ерда тайёрланаётганлиги учун чет эллардан келтирилаётган мебелларга нисбатан анча арзон туради. Бу ҳам харидор учун муҳим. Қисқаси, корхона жамоаси қўлидан чиқаётган жиҳозларнинг бозори чаққон бўлмоқда.

— Шундай тендерда ғолиб чиқиш ёш жамоамизни бениҳоя руҳлантириб юборди, — дейди қўшма корхона бош муҳандиси Александр Алексеевич Песенко, — Албатта, бу айни вақтда масъулиятимизни ҳам оширади. Маҳсулотимиз маркасини доим юқори бўлишини таъминлашимиз, унга доғ туширмасликка интилишимиз лозим бўлади.

«Тусбюро», айтиш мумкинки, мебел саноатимизнинг энг кенжа корхонаси. Унинг рўйхатдан ўтганига эндигина олти ой бўлди. Ўзбекистон ва немис тадбиркорлари биргаликда барпо этган бу қўшма корхона Олмаликда жойлашган. Шаҳардаги мебел комбинатининг бўшаб қолган биноларининг бирида ташкил этилди.

«Ўзбекмебел» давлат акциядорлик жамиятига қарашли «Тараққиёт» уюшмаси ва «Шарфаг» немис фирмаси қўшма корхонанинг муассислари бўлишди. Корхона мулкининг 40 фоизи уюшмага тегишли бўлиб, қолган 60 фоизи германиялик шерикларга қарашлидир. Корхонага ўрнатилган барча асбоб-ускуналар хориждан олиб келинди. Улар Германия, Австрия, Таиланд ва бошқа мамлакатларда ишлаб чиқарилган. Бунинг учун маблағни немис тадбиркорлари ажратдилар. Улар корхонани айланма сармоядасмоя билан ҳам таъминладилар. «Тараққиёт» уюшмаси эса ишлаб чиқариш майдонини барпо этди. У «Олмалиқ мебел комбинати» ҳиссадорлик жамиятининг анчагина акцияларини харид қилиб олган эди. Комбинатда юмшоқ мебел ишлаб чиқариш цехи ёпилгач, унинг бўшаб қолган биносининг қийматини тўлаб, сотиб олди. Бу бино немис шерикларга ҳам маъқул бўлди. Шундай йўл билан қўшма корхона барпо этилди.

— Уюшмамиз мутахассисларининг тармоқ саноати корхоналарида асбоб-ускуналарни ўрнатиш бўйича катта тажрибага эга бўлганликлари бизга жуда қўл келди, — дейди бош муҳандис. — Асбоб-ускуналарни ўрнатиш ва созлаш ишларини ўз кучимиз билан амалга оширдик. Чет эллик мутахассисларнинг ёрдамидан воз кечдик. Бу ҳам қурилиш-монтаж ишларининг суръати тез, харажатларнинг кам бўлишига олиб келди.

Барча ишлаб чиқариш жараёнларини, мураккаб машина-механизмларни ўз ишчи-муҳандисларимиз бошқармоқдалар. Уларнинг кўпчилигини олмаликликлар ташкил этади. Шаҳарликларга касб-кор ўргатилди. Улар малакали ишчи бўлиб қолдилар. Эндиликда операторлик вазифасини моҳирона уддаламоқдалар. Бундай етакчи касб эгаларидан Абдусамад Абдиев, Владимир Сотников, Евгений Чуянковларни алоҳида кўрсатса бўлади.

Шаҳардаги кенжа корхона дастлабки кунлардан режаларни тўла ва ошириб адо этмоқда. Ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириб бормоқда. Кейинги ойларда ишлаб унинг қуввати тўла ўзлаштирилди. Ҳар ойда 20 миллион сўмлик атрофида жиҳозлар тайёрланмоқда. Корхона ишга тушганидан бери буюртмачиларга етказиб берилган маҳсулот ҳажми юз миллион сўмга яқинлашиб қолди.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш бир маромда давом этмоқда. Шу вақтгача бирорта ҳам асбоб-ускуна бузилмади. Бунга қуйидаги тадбир ҳам ёрдам бермоқда. Ҳар куни икки марта 15 дақиқадан технологик танаффус қилинади. Шу вақтлар ичида фойдаланилаётган барча асбоб-ускуналар кўрикдан ўтказилади, носозликлари бўлса аниқланиб, бартараф этилади. Бундан ташқари, созловчилар тушликда ҳам машина-механизмларни бирма-бир кўздан кечириб чиқадилар, уларга гард юқтирмасликка ҳаракат қиладилар.

Энг муҳими ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва материаллар таъминоти қатъий тартибга солинган. Доим уларнинг зарур, меёрдагидан ташқари ўн фоизи заҳирада бўлади ёки бир ой ишлашга етадиган материаллар қўшимча тахт туради. Шерик — немис фирмаси таъминот бўйича зиммасига олган мажбуриятини доим вақтида бажармоқда.

Ишлаб чиқаришнинг бир маромда бориши туфайли даромад, фойда мўмай бўлмоқда. Ишчи-хизматчиларнинг ўз меҳнатлари натижасидан моддий манфаатдорликлари муттасил ортиб бормоқда. Кейинги ойларда ўртача иш ҳақи ўн минг сўм атрофида бўлаётганлиги ҳам шундан далолат беради.

Ҳозирча корхонада иш бир сменада олиб борилмоқда. Жамоа сафида 40 киши бор. Лекин бозор талабини ўрганиш давом этмоқда. Жами маҳсулотнинг 75 фоизи фақат буюртмалар асосида тайёрланмоқда, қолган қисми ҳам пешма-пеш бозорга чиқарилмоқда. Яқинда коллеж ва лицейларга ўн миллион сўмликдан зиёд мебел буюмлари етказиб берилди. Корхона маъмурияти бозор талаб қилса маҳсулот тайёрлаш ҳажмини ошириш йўлидан бораверади. Ўшанда янги-янги ишчи ўринлари ҳам ташкил этилади. Ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш даврида бу ҳам муҳимдир.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ОЧИҚ МУЛОҚОТДАГИ ОЧИҚ ГАПЛАР

МУСТАҚИЛЛИКНИ қўлга киритган мамлакатимизда халқ хўжалигининг шу вақтгача бўлмаган катор тармоқлари барпо этилди. Автомобилсозлик саноати ҳам шуларнинг биридир. 1994 йилнинг мартида «Ўзавтосаноат» уюшмаси тузилди.

Ҳозирги вақтга келиб унинг таркибига мулкчилик шакллари ва фаолият доираси турлича бўлган етмишдан ортиқ корхона, ташкилотлар киради. Бу енгил, кичик ҳажмдаги автомобилларни, тракторлар, автомобил ва трактор двигателларига бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш, автосервис хизмати кўрсатиш корхоналари ва бошқалардир. Айни вақтда автомобилларнинг бутловчи қисмларини тайёрлаш учун чет эл сармоясини жалб этиб қўшма корхоналар ташкил этишда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 40 минг 265та енгил автомобиллар савдо шохобчаларига етказиб берилди. Бундан ташқари, уюшмага қарашли корхоналарда салкам 125 мингта рангли телевизорлар, 50 мингтага яқин видеомагнитофонлар, минглаб чангютгичлар, кир ювиш машиналари, микротўлқинли печлар, музлатгичлар ва бошқа қатор кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди.

Мамлакатимизда яратилган автомобиллар ташқи бозорга ҳам тобора кўплаб чиқарилмоқда. МДҲ мамлакатларига, айниқса, Россияга экспорт ҳажми ортиб бормоқда. Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа қатор мамлакатларда ҳам уни харид қилмоқдалар.

Шу йилнинг тўртинчи чорагида «Самкочавто» қўшма корхонаси иш бошлайди ва автобус, юк автомобиллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бундан ташқари, енгил автомобилларга бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи қатор янги корхоналарни барпо этиш назарда тутилмоқда. Яқин кунларда двигателлар тайёрловчи завод қурилишига киришилади. Республикамиз пойтахтидаги мотор заводи негизида ташкил этилувчи бу корхона автомобилсозликни янги поғонага кўтаради.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Ўзавтосаноат» давлат уюшмаси раҳбарияти билан қаламкашлар ўртасида бўлиб ўтган очиқ мулоқотда шулар ҳақида гап юритилди. Айни вақтда, республикамиз саноатининг бу ёш тармоғида юзага келаётган муаммолар, мавжуд бўлган камчиликлар ва нуқсонлар, уларни бартараф этиш учун кўрилаётган чора-тадбирлар тилга олинди, мамлакатимиз раҳбарлиги автомобилсозликни ривожлантиришга катта аҳамият ва ёрдам бераётганлиги алоҳида таъкидланди.

Очиқ мулоқотда иштирок этган «Ўзавтосаноат» давлат уюшмаси раиси Қудрат Парпиев, уюшма раиси ўринбосарлари Аҳмаджон Ҳаққулов, Анвар Ҳасанов, уюшманинг ташқи иқтисодий алоқалар бошқармаси бошлиғи Ҳамид Азизқориевлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг кўпдан-кўп саволларига жавоб бердилар. Иккала томон шундай мулоқотларни ўтказиб туриш фақат фойда беришини қайд қилди.

Ҳамид МАҲМУДОВ.

Пахта — 98

280 МИНГ ТОННА УЧУН

Пахта — 98

ЎТГАН куни вилоят далаларидан 1064 тонна «оқ олтин» териб олинди. Шу кунгача жами тайёрланган пахта 225 минг 443 тоннадан ошди. Бу йиллик режанинг 80,52 фоизини ташкил этади.

Вилоят пахта далаларида йиғим-терим ҳал қилувчи паллага кирди. Об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда айни пайтдаги очиқ кунлар яна бир неча муддат давом этади. Демак, етиштирилган ҳосилни тез ва соз териб олиш учун имконият бор. Фақат ғанимат дамларнинг ҳар бир куни, ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланиб, пахта теримини кучайтириш даркор.

Буни тўла ҳис этган Пскент тумани заршунослари 26700 тонналик «оқ олтин» хирмонини тезроқ тиклаш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ пахта теришга ҳаракат қилишаётир. Туманда кунлик ўсиш ҳам, топширилган пахта салмоғи ҳам юқори бўляпти. Масалан, пскентлик пахтакорлар ўтган куни далалардан 330 тонна яъни, режанинг 1,23 фоизи миқдорида ҳосил териб олдилар. Бу вилоятдаги энг юқори кўрсаткичдир.

Чинозликлар ҳам марра сари дадил интилишмоқда. Йиллик режани қарийб 94 фоизга етказиб қўйган пахтакорлар суръатни сусайтиришмаяпти.

Шунингдек, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бўка туманларида ҳам суръатни кўтариш, далалардаги ҳосилни қисқа муддатларда териб олиш учун барча имкониятлар ишга солиняпти. Бу туманларда ўтган куни режанинг 0,80-0,83 фоизи миқдорида хом ашё тайёрланди.

Аммо айрим туманларда тақдирга тан беришган, яъни ҳаракат қилганимиз билан барибир режани уддалай олмаймиз, деган кайфият туғилган кўринади. Бўлмаса, Қуйичирчиқ туманида 5 ноябрь куни атиги 0,11, Оққўрғон туманида 0,15, Бекобод туманида 0,26 фоиз пахта териб топширилармиди? Ўтган куни Бўка далаларидан 331 тонна пахта териб олингани ҳолда Ўртачирчиқда бу кўрсаткич бор йўғи 41 тоннага етганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Пахта бойлигимиз. Шундай экан, айни кунларда ғайрат кўрсатиб, далалардаги ҳосилни сўнгги миқолигача тезроқ териб олайлик.



«Тошвилоятавтотеххизмат» ҳиссадорлик жамияти жамоаси автомобилларга намунали хизмат кўрсатиш билан бир қаторда пахтакорларга ҳам сидқидилдан кўмак беришяпти. Жамоанинг 30 кишилик вакиллари Чиноз туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги далаларида меҳнат қилишмоқда.

Жамоатчи сураткаш Абдужалол Раҳимов яқинда кўмакчилар ҳузурида бўлиб, кунига 50-60 килограммдан «оқ олтин» териб, бошқаларга намуна бўлаётганларни суратга туширди. Мана улар: Ирина Ли (чапдан), Достон Қосимов, Альфия Сапарова, Зарема Асанова.

Терим суръатининг юқори бўлишига минглаб теримчилар ҳам муносиб ҳисса қўшишяпти. Ана шулардан бири Пскент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги теримчиси Замира Эрматовадир (чапда). Кунига 60—70 килограммдан пахта тераётган чевар қизнинг ҳозиргача уйган хирмони 4 тоннадан ошиб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ ТОЖИКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ ВАЗИЯТ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЁНОТИ

Қатор ахборот агентликлари маълумотларига кўра, турли қуролли гуруҳларнинг ҳатти-ҳаракати натижасида Тожикистоннинг Ленинобод вилояти маркази — Хўжанд шаҳрида вазият ўта кескинлашган. Қурбонлар бор.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукумати Тожикистон ҳукуматининг президенти И. Раҳмонов раҳбарлигида «Тожикистонда тинчлик ва миллий тотувлик ўрнатиш ҳақидаги умумий битим»га мувофиқ, тинчлик жараёнларини амалга ошириш борасида тутган йўлини қўллаб-қувватлашини билдириш ваколатини олган.

Ўзбекистон ҳукумати тинчлик жараёнларининг муқобили йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб ҳисоблайди.

Ҳар қандай қуролли чиқишларга тинчлик жараёнларига қаршилик қилувчи, шу билан бирга ўта ғаразли ва уруғ-аймоқчилик манфаатларини кўзловчи кучлар ҳаракати деб қаралмоғи керак.

Бугун тинчлик жараёнларини ана шундай ҳатти-ҳаракатлари билан қўпоришга уринаётганлар Ўзбекистон Тожикистоннинг энг яқин қўшниси сифатида бу мамлакатдаги тинчлик ва барқарорликдан бошқалардан кўра кўпроқ манфаатдорлигини, бу йўлда зарур ёрдам беришга тайёр эканлигини, Тожикистон раҳбарияти тутаётган йўлни бундан кейин ҳам қўллаб-қувватлайверишини қатъий англаб олмоғи лозим.

Тошкент шаҳри, 1998 йил 4 ноябрь.

Газета ташаббуси билан

БУЮК ИПАК ЙЎЛИ БЎЙЛАБ ЯНГИ БИЛИМЛАР САРИ

Буюк Ипак йўли бўйлаб «Карвон-98» билим экспедицияси Фарғона водийси сафарига отланди. Унинг таркибида мактаб ўқувчилари, олимлар, педагог-ўқитувчилар ва журналистлар бор. Экспедиция сафари «Работи малик» саёҳатчилар уюшмаси ва «Солнишко» газетаси ташаббуси билан ташкил қилинган бўлиб, «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан қўллаб-қувватланган.

Ёш тадқиқотчилар ва мураббийларнинг сафар йўли Поп қишлоғидаги археологик музей, Мунчоқтепа қабристони, Кўқондаги Худоёрхон саройи, Риштон кулолчилик ва Марғилон ипакчилик устахоналари, қадимги Қувадаги будда даври археологик қазилмалари, Шаҳрихон темирчилик гузари сингари кўҳна обидалар орқали ўтади. Болалар Буюк Ипак йўлининг маданий ва тарихий моҳияти ҳақида маърузалар тинглайдилар, олимлар, археологлар, ёзувчилар, маданият арбоблари билан мулоқотларда бўлиб, ўз билимларини бойитадилар. Бу улар учун ўтмишга саёҳат бўлиш билан бирга халқимиз анъаналари ва тарих жумбоқлари билан танишув, ҳамда асрлар силсиласида сақланиб келаётган асори атиқалар сирларини ўрганишга уриниш ҳам бўлади.

Саёҳатга тайёргарлик «Солнишко» газетасининг очиқ осмон остида мактаб очиш ҳақидаги эълони берилган пайт — шу йилнинг март ойида бошланган эди. Ўтган ярим йил ичида саёҳатчилар таркибига уюшган болалар Буюк Ипак йўлининг аҳамияти ҳақида имкони борича кўпроқ билим олишга ҳаракат қилдилар. Машғулот-ўйинлар шаҳарларнинг истироҳат боғларида ўтди. Олимлар, ўқитувчилар ўз шогирдлари билан кўҳна Афросиёбга, Чимён тоғларига, Оҳангарон дарёси соҳилларига ҳам ташриф буюрдилар. Тарихимизнинг ёш ҳаваскорлари учун мактабдан ташқари уларнинг ўқитувчилари, ўлкашунослик тўгараклари раҳбарлари ҳам янги-янги билимлар манбаи бўлишди. Болалар кутубхоналардаги машғулотларда ва музейларга қилган саёҳатлари давомида кўпгина янгиликлардан хабардор бўлдилар.

«Карвон-98» конкурси машғулотлари якуни болалар учун ўзига хос рағбат бўлди. Унда Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ ва Тошкент командалари иштирок этдилар. Ғолиблар ногирон болаларни соғломлаштириш ва ижтимоий кўникма ҳосил қилиш ишлари билан шуғулланувчи жамоатчилик бирлашмаси командаси иштирокчилари таркибига кирдилар.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ, ЎзА мухбири.

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

Пскент туманида зафар маррасини эгаллаган хўжаликлар сони тобора ортиб боряпти. Газетамизнинг олдинги сонларида «Намуна» ва «Ўзбекистон мустақиллиги» жамоа хўжаликлари пахта тайёрлаш бўйича йиллик режани бажарганлиги ҳақида хабар берган эдик.

Куни кеча тумандаги йирик хўжаликлардан бири — Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги заршунослари ғалаба рапортига имзо чекдилар. Бу ерда 1800 гектар ердан 4310 тонна хом ашё териб топширилди.

* * *

Ўртачирчиқ туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигидан хушхабар келди. Хўжалик пахтакорлари режадаги 1765 тонна ўрнига 1842 тонна «оқ олтин» тайёрлаб, муваффақиятга эришдилар.

* * *

Чиноз туманидаги «Чиноз» жамоа хўжалигида ҳам пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилди. Чинозликлар қабул пунктларига мўлжалдаги 552 тонна ўрнига 580 тонна «оқ олтин» етказиб бердилар.

ЮКИ ОҒИРНИНГ ОРИЯТИ КУЧЛИ БЎЛАДИ

ДЕҲҚОНГА эрта баҳорда, ёзда даласидаги кўчат сони, ҳосил олиши, кўсакларнинг оз-кўплиги-ю, очилишига қараб бериладиган баҳо алдамчи бўлиши мумкин. Ҳақиқий маҳоратини, деҳқоннинг, эл-юртнинг мулки бўлиб қоладиган тажрибасини эса кеч куз белгилайди.

Бўка туманидаги «Хўжақўрғон» жамоа хўжалиги далаларида бўлганимизда негадир ана шу фикрлар хаёлдан кечди. Далилларнинг ўзи бизни шундай мушоҳада қилишга ундади: туманда 14та хўжалик бор. Айримларнинг деҳқончилик қилаётган ери бундан ўн-ўн беш йил илгарига каттагина бригаданинг ерига тенг келади. Демакки, уларнинг юки енгил. Лекин ана шунга қарамай баъзилар ҳали режалари 60-70га етмай «эмаклаб» қолишди.

— Нима бўлди?

— Энди биродар, — чайналиб жавоб беришади улар, — сирасини айтганда бу йил анча оғир келди. Аввалги йилга ўхшаб пахта йили бўлмади-да.

Хўжақўрғонликлар эса бошқача фикрни айтишди.

— Биринчи марта кўраётганимиз йўқ. Баҳори, эрта ёзи инжиқ келган бундай йилни. Деҳқонмисан, ҳар қандай қийинчиликка, уни енгишга тайёр туришинг керак. Ўзингда куч-қудрат, ирода топа билишинг зарур. Тош-тарози посонгисини шароитга қараб тўғрилаб борсанг, ишқилиб кам бўлмайсан. Бу гапларни айтган хўжаликнинг пешқадам бригада бошлиқлари Саидғани Сатторов, Ислом Султоновлар ҳақиқатан ҳам кам бўлишмади. Саидғани ака жамоаси 58 гектар ердан ҳозиргача салкам 160 тонна ҳосил топириб, режасини 110 фоизга етказиб қўйди. Ҳосилнинг 70 фоизини машинада териб олди.

Ислом ака жамоаси эса, 38 гектар ердан салкам 100 тонналик хирмон уйди. Уларда ҳам хирмонга машина барака киритди. Ҳар икки жамоанинг даласида ҳали ҳосил бор. 35 центнерданга етказишмоқчи. Қандай қилиб бунга эришдинглар?

Ҳар икки бригаданинг ҳам ғапи битта бўлди: яхши ишладик. Йўқ, бу билан улар бошқалар ёмон ишлади, дейишмоқчи эмас. Бизга берилган имкониятдан, ўзимизнинг кўп йиллик тажрибамиздан фойдаланишга ҳаракат қилдик, дейишмоқчи. Лекин осон бўлмади.

— Агар ҳақиқа кўчадиган бўлсак, — дейди Ислом ака, — раисимиз Мансур Абдиевнинг асли касби муҳандис бўлганлиги бизга қўл келди. Нега дейсизми, бу йил баҳорда ёмғир кўз очирмади. Чигит икки, ҳатто уч маротаба қайта экилди. Хўжаликда ҳаммаси бўлиб 350 гектар ерга қайта чигит экилди. Ҳар бир экиш жараёнида техниканинг, айниқса, сеялкаларнинг панд бермаслигини раиснинг ўзи назорат қилиб турди.

Хўжалик машина теримида бошқа кўпгина хўжаликларга нисбатан бирмунча яхши кўрсаткичга эришди.

Хўжақўрғонликларнинг яна бир тажрибасидан ўрганса арзийди: сир эмас, терим мавсуми бошлангач, дастлабки кезларда ишлар жадал боради, одамлар лўппи-лўппи очилган пахталарни завқ билан териб килограммини мумкин қадар кўпайтириб, пул ишлаш пайидан бўладилар-да. Шунинг учун режани 50-60 фоизга етказиш анча енгил бўлади. Бироқ 80дан сўнг хирмоннинг юксалиши ниҳоятда сустлашиб қолади. Бу табиий. Бу вақтга келиб даладаги ҳосилнинг «мазаси» қочади. Терилган пахта хадеганда тарози босавермайди. Одамдаги иштиёқ сўнади. Лекин, барибир далада ҳосил бор-ку, уни тезроқ териб олишимиз зарур-ку.

Бунга эришишнинг бирдан-бир чораси одамларни қизиқтириш. Хўжақўрғонликлар мавсум бошланган кунданоқ ана шу ҳақда ўйлайдилар. Теримнинг ниҳояси бахайр бўлиши ҳақида бош қотирадилар. Шу мақсадда ўтган йили режага яқин қолганида шоли гаровга қўйилди. Бу йил ҳам шундай. Кимки ўн кило пахта териб топширса, икки килограмм шоли берилади. Бошқача қилиб айтганда, шолини пахта терганлар оладилар. Ҳеч ким бу имкониятни бой беришни истамайди. Натижада даладаги бор ҳосилни йиғиб-териб топширилишига эришилади. Режа муваффақиятли бажарилади.

Бу йил ҳам ана шу тажрибага амал қилинмоқда. Мана, ҳисоб-китоб қилиб кўринг: ҳозир бозорда бир килограмм гуручнинг нархи 100 сўм. 50 килограмм пахта териб топшириб, ўн килограмм гуручни ишлаб чиқариш баҳосида — 30-35 сўмдан олсангиз қанчаданқанча маблағингизни тежаб қолган бўласиз.

Айни кунларда ҳам теримнинг жадал бораётганлиги, хўжалик кунига салкам бир фоиздан пахта топшираётганлигининг асосий омили шундан иборатдир.

Яна бир гап. Хўжаликлардан олиб борилиб, топириладиган пахталар вилоятнинг умумий хирмонига уйилади. Шунинг учун «сеники, меники» бўлмаслиги керак, деб мулоҳаза қилишади хўжақўрғонликларнинг кўшнилари. Бизнинг даламизда ҳосилнинг таги кўриниб қолди. Онда-сонда оқариб, кўзга ташланиб турган бир чаноқ пахталарни териб топшириш билан «тонг отмайди». «Хўжақўрғон» далаларида эса пахта ҳали кўп экан. Шунинг учун кўшнимизга ҳашарга отланайлик. Шундай қилиб, умумий теримчилар сони яна купайди. Айни кунларда далада 2300га яқин одам кўл теримида қатнашмоқда, салкам бир фоиздан пахта тайёрланмоқда. Булар орасида Қибрайдан келган ҳашарчилар, айниқса, намуна кўрсатишаётир.

— Режани бажара оласизларми?

— Ҳамма ҳаракатимиз шунга қаратилган, — дейди раис. — Тўғри, ўтган йилги суръатдан беш-ўн фоиз орқадамиз. Лекин ҳаво туриб берса бўлгани. Бу суръатга етиб оламиз.

Салкам минг гектар ерда пахта етиштирган, бир вақтлари довруғи довон ошган (у маҳалда хўжалик «Октябрь 40 йиллиги» номи билан аталарди), лекин, замона зайли билан бу шуҳратни бой бериб қўйган хўжақўрғонликларнинг нияти битта. Яқин йиллар ичида аввалги мавкеларига эришиш ва уни мустаҳкамлаш. Шу мақсадда улар хўжаликнинг ҳар бир тармоғига катта эътибор бермоқдалар. Пиллачилик, ғаллачилик ҳам бир текис ривож топяпти.

Ўз меҳнатлари қадр-қиммат топаётганлигига ишонч ҳосил қила бошлаган деҳқонлар кўтаринки руҳ билан тер тўкмоқдалар.

Носир РИХСИЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

ЙЎЛДА СОДИҚ ДЎСТ КЕРАК

МАЪЛУМКИ, ҳар бир давлатнинг иқтисодиётини ривожлантиришда транспорт воситаларининг аҳамияти ўзгача бўлади. Шу боис мазкур тизилмани, хусусан, темирйўл транспортини замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш, янги темирйўл тармоқлари бунёд этиш, пировард натижада Ўзбекистон халқ хўжалигининг юк ташиш эҳтиёжларини тўла қондириш Президентимиз Ислом Каримов юритаётган оқилона ички ва ташқи сиёсатнинг муҳим қирраларидан бири бўлиб келди.

Жумладан, ушбу сиёсат Оврупо ҳамда МДҲга аъзо давлатлар билан иқтисодий ҳамкорликларни янада кенгайтиришни кўзда тутади.

МДҲ давлатлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг барқарорлигини йўлга қўйиш мақсадида бундан олти йил бурун — 1992 йилда мазкур мамлакатлар темирйўл транспорти вазирликлари ва бошқармалари раҳбарларидан таркиб топган темирйўл транспорти кенгаши таъсис этилган эди. Ушандан буён кенгашнинг 21 маротаба йиғилиши ўтказилди.

Навбатдаги анжуман ушбу ҳафтада Тошкентда бўлиб ўтди. Унда Болтиқбўйи мамлакатлари, шунингдек, Болгариянинг темирйўл транспорти маъмуриятлари раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

— «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси ташкил қилинган-

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

дан кейинги ўтган вақтда мамлакатимиздаги жами юкларнинг 90 фоизи темирйўл транспорти ҳиссасига тўғри келди, — деди йиғинда сўзга чиққан компания раиси Н. Эрматов, — таъкидлаш жоизки, бу кўрсаткич йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида истеъмолчиларга 31,5 миллион тонна юк етказиб берилди. Йўловчи ташиш ҳажми эса 12 фоизга кўпайди.

Республикамизнинг қўшни давлатлар билан иқтисодий алоқалари барқарор ривожланаётганлиги қувончлидир. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси билан юқорида тилга олинган мамлакатлар темир йўл транспорти вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорлик тобора мустаҳкамланиб бораётир. Айниқса, Украина, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон, шунингдек, Болтиқбўйи мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Бош вазири ўринбосари Лерик Аҳметов гапириб берди. Шунингдек, у Ўзбекистон Оврупони Қора денгиз, Кавказ ва Каспий денгизи орқали Марказий Осиё билан боғлашни кўзда тутувчи «ТРАСЕКА» дастурига аъзо бўлиши ҳам мамлакатимиз темир йўл транспорти фаолиятини кенгайтиришда муҳим омил бўлганлигини таъкидлади.

Икки кун давом этган анжуманда ўндан ортиқ ўта муҳим масалалар муҳокама қилинди.

Воқеалар тўлқинида

● ФРАНЦИЯ саноат уюшмасининг бу йилги олтин медаллари бир гуруҳ Ўзбекистон ташкилотларига насиб этган эди. Республикамизнинг ўн бир корхонаси яқинда ана шу совринларни қўлга киритди.

● ИСРОИЛ бош вазири Б. Нетаньяху Исроил-Фаластин муносабатлари кўриб чиқилиши мўлжалланган ҳукумат мажлисини номаълум муддатга кечиктиришга қарор қилди. Бунга фаластинликларнинг террорчилик билан курашиш бўйича ҳаракат дастури юзасидан бир тўхтамга келмаганлиги сабаб бўлди.

● ИРОҚ пойтахтида йирик халқаро ярмарка очилди. Унда 30га яқин мамлакат вакиллари қатнашмоқда. Уларнинг аксарият қисми БМТнинг «Нефть эвазига озиқ-овқат» дастури доирасида шартномалар имзолаш учун келдилар.

● ЧЕЧЕНИСТОНДА сиёсий, ижтимоий, иқтисодий вазият ҳамон кескин бўлиб турипти. Ш. Бобоев, Р. Исрофилов сингари шахслар аъзо бўлган қўмондонлар кенгаши ҳамон республика президенти Аслан Масхадовдан истеъфога чиқишни талаб қилмоқдалар. Агар у шундай қилса, шариат суди олдида жавоб беришга чақирилмайди, деб писанда қилинди.

● МАЛАЙЗИЯДА собиқ молия вазири Анвар Иброҳим устидан ўтказилаётган суднинг дастлабки босқичи ниҳоясига етди. Куала-Лумпурдаги судда асосан ҳукумат аъзолари иштирок этдилар. Зотан, бош вазир Махатхир Муҳаммад тарафдорлари А. Иброҳимнинг жазоланишини талаб қилмоқдалар.

МАШМАШАМИ, ТОМОША?..

ЎТГАН ҳафтада РФ Давлат думасидаги «Яблоко» фракцияси раҳбари Григорий Явлинский Англиянинг «Санди таймс» газетасида берган интервьюсида Россиянинг ҳозирги ҳукумати айрим аъзоларини коррупция ҳамда порахўрликда айблаб, баъзи вазирлик лавозимлари «олди-сотди» қилинди, деган сўзларни ишлатган эди.

Жорий ҳафта бошида бош вазир Евгений Примаков, Г. Явлинскийнинг шов-шувга сабаб бўлган гаплари устида тўхталиб, ундан аниқ далиллар беришни талаб қилди. Бу орада ички ишлар вазири Сергей Степашин ҳам можарога аралашиб, «Яблоко» раҳбарининг даъволари синчиклаб ўрганилади, деб айтди.

Россия коммунистларининг раҳнамоси Геннадий Зюганов эса Г. Явлинский фикрларини ўзича талқин этиб, «бундай қилиш ҳукуматнинг сўл қанотига зарба беришдан бошқа нарса эмас, бемаза туҳматлар билан майдонга чиқаётганлар ҳукуматга ўз одамларини киритиш дардида юрибдилар», деб изоҳлади.

Давлат думаси депутатларидан яна бири — Альберт Макашовнинг навбатдаги «қилиғи» ҳамма нарсадан ҳам ошиб тушди. У «аксилсемитизм» ниқоби остида Россияда асосий раҳбарлик лавозимларини яҳудийлар эгаллаб турибди, деб баёнот берди. Собиқ генерал ўз таклифини дума мажлисида овозга қўйишга ҳам эришди. Бироқ, унинг «сиёсий ўйини» дарҳол жон берди.

Россиядек улкан бир давлат иқтисодий бўҳронлар чангалидан халос бўлишга ҳаракат қилаётган бир пайтда юқоридаги сингари «сиёсий фирибгарликлар» шундоқ ҳам мушкул бўлиб турган аҳволни янада чигаллаштирмоқда. Эҳкига жон қайғу, қассобга мой қайғу, деганларидек, кимлардир халқ мусибатини осонлаштирмоқчи бўлса, кимлардир найрангбозлик домига тушиб, жазавали «томошалар»га сабаб бўлмоқдалар.

СЕНДАН УГИНА, МЕНДАН БУГИНА

ҲИНДИСТОН билан Покистоннинг юқори доиралари икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатларни яхши изга солиш борасида саъй-ҳаракатлар қилаётган бўлса ҳам бунинг уддасидан чиқа олмаётирлар. Ҳар куни янги даъволар, куракда турмайдиган баҳоналар билан қўшничилик тамойилларига раҳна солинмоқда. Куни кеча Ҳиндистон бош вазири Атал Бихари Важпай баёнот бериб, бутун дунёда ядро қуроли синовларини ялпи таъқиқлаш тўғрисидаги халқаро шартномани имзолаш Ҳиндистон учун мақбул эмас, деб айтди. Ўз навбатида Покистон ташқи ишлар вазири Тариқ Алтоф ҳам АҚШ ва бошқа мамлакатлар Покистонга нисбатан иқтисодий жазо чораларини бекор қилмагунча, Покистон мазкур халқаро ҳужжатга қўшилмаслигини билдирди.

ҚЎЛЛАГАН ҚЎШНИ ЯХШИ

СЎНГГИ кунларда Марказий Америка қитъасида жунбушга келган «Митч» довули чиндан ҳам XX асрдаги энг катта даҳшатлардан бири бўлди. Чунки, у Никарагуа, Гватемала, Эквадор, Гондурас каби мамлакатлар халқлари бошига ўта аянчли азоб-уқубатлар келтирди. Табиий офат натижасида 10 мингга яқин одам ҳалок бўлди, 15 мингдан зиёд кишилар бошпанасиз қолдилар. Минглаб фуқаролар эса дом-дараксиз йўқолди.

Ана шундай чорасизлик пайтида қатор мамлакатлар юқоридаги жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўза бошладилар. АҚШ мазкур минтақага 3,5 миллион долларлик озиқ-овқат, кийим-кечак етказиб берди. Мексика президенти Эрнес Седило эса Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Сальвадор раҳбарларига таъзия изҳор қилиб табиий офат талафотларини тезроқ тугатишда яқиндан кўмак беражагини таъкидлади.

«ЗУЛФИҚОР» ЧЕГАРАДА ҚОЛАДИ

ЭРОН армиясининг «Зулфиқор-2» деб номланган ҳарбий ўқув машқлари ниҳоясига етказилди. Икки ой мобайнида Эрон армиясининг тўққиз дивизияси юқоридаги машқларда иштирок этдилар. 270 мингдан ортиқ аскар, шунингдек, авиация, артиллерия ва армиянинг бошқа тоифадаги қисмлари жалб этилган «ҳар эҳтимолга қарши тайёргарлик» жойида эканлигини кўрсатди. Маълумотларга кўра, машқлардан сўнг ҳам ҳарбий қисмлар ўз жойлашувини ўзгартирмайди. Бу деган гап, улар Эрон — Афғонистон чегараси ҳудудида қоладилар.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

● ЧАҚАЛОҚҚА от қўйиш дақиқалари ҳамма халқларда ҳам ўзига хос маросим ҳисобланади. Лекин, Перунинг тоғли минтақаларида Марихуана, Алка-Сельтцер, Титаник сингари ғаройиб исмларни учратиш мумкин. Жумладан, яқинда туғилган бир болакайга ота-оналари Ельцин Билл Клинтон Родриго Альберто Альсара деб ном қўйдилар.

● «МАЙМУНЛАР ҳисоблашни биладилар!» Бир неча йил тадқиқот ишлари олиб борган Америкадаги Колумбия доирлфнининг олимлари ана шундай хулосага келдилар. Катта экран олдига ўтказиб қўйилган бир нечта маймун рақамларни аниқ тушуниб, лозим бўлган «тугмача»ларни босиб турдилар.

● МИСРЛИК Аҳмад Абдул Латиф оламдан ўтди... Қандай қилиб дейсизми?.. Оддий оилавий жанжал оқибатида у жуфтиҳалоли остида жон берди. Гап шундаки, Аҳмад катта рафиқасидан бўлган тўрт нафар фарзандига мўмайроқ мерос ажратганда 160 килограммлик кичик хотин — Фавқиянинг хазаваси тутиб кетди. У эрини ерга улоқтирди ва бошига чиқиб ўтириб олди. Оқибатда талиялик 83 яшар А. А. Латиф тинчиқиб ўлди. Полиция Фавқияни ҳибсга олди.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ДУШАНБА, 9

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Соҳибқирон юрти».
9.25 «Жаҳон спорти».
9.35 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 «Ўзбек киноси ижодкорлари».
10.40 Кундузги сеанс. «Тоғларда қолди менинг қалбим». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.35 «Муҳаббат қиссаси». Теленовелла.
13.10 «От». Мультфильм.
13.20—14.00 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Учрашув».
18.35 «Олам ва одам».
18.50 «Эл тинчлиги йўлида».
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Ҳиёнатлар ҳалқасида». 4-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00, 23.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин туллор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 1-қисм.
22.05 «Бободеҳқон, Сизга таъзим». Мусиқий дастур.
22.35 Зиё Нажимий. «Занжирбанд шер». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм.
23.30 «Ахборот».
24.00—00.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Жажжи давра», Мульттомоша).
18.40 «Ҳонадон».
18.55 «Сурур».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Нигоҳ».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал (Венесуэла).
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Ёшлар куйлаганда».
21.05 «Ҳудуд».
21.35 Араб эстрадаси.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Қирувчи».
00.10 Спорт-қитъаси.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Муҳлис — ТВ.
18.30 Болалар учун. «Эя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Сен ҳақингда ва сен учун».
20.10 «Чуст жилолари». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 Телефакт.
22.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
22.35 «Даракчи».
22.45 Спорт-тайм.
23.15 «ТТV-мюзик».
23.35 «Минг бир ҳикмат».
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.45 Саргузашт фильмлар экрани.
01.15 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.50 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси.
18.50 Лариса Гузеева «Аёллар тарихи» дастурида.
19.20 Қумушранг серия. Пьер Ришар «Соябон санчиғи» комедиясида.
21.00 «Время».
*
21.30 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 127-қисм.
22.15 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.20 «Замонавий дизайн».
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 Тунги сеанс: «Тош юрак». Бадиий фильм (Франция). Бош ролда — Ален Делон.
01.10 «Ахборот» (рус тилида).
01.35—01.40 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА, 10

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Тошкентда байрам оналари».
8.55 «Созимда диёр мадҳи». Мусиқий дастур.
9.20 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
9.40 «Кинонинг минг бир олами». Кинокўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бинокор».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Томчи».
11.15 «Мактублар — кабутарлар».
11.35 Ўзбек куйларидан концерт.
12.05 Кундузги сеанс. «Камтарин қулингиз». Бадиий фильм.
13.25 «Телевизион миниатюралар театри» пахтакорлар ҳузурида.
14.10 — 14.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Насаф» — «Пахтакор».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Усмирлар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Ҳунарманд». Тележурнал.
18.50 «Таянч нуқтаси».
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Тақдир фожиаси». 5-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.05 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Етти хазина».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Акс садо».
21.35 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин туллор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 2-қисм.
22.10 «Қўшиғимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
22.40 «Миллий таълим уфқлари».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Фарғона вилояти.
23.45 «Ахборот».
00.15 Зиё Нажимий. «Занжирбанд шер». Аббос Бакиров номидаги Андижон вилоят ёшлар театрининг спектакли. 2-қисм.
01.05—01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Эркатой», Мульттомоша).
18.40 Солиқ ҳақида саволлар.
18.55 «Ёшлар» телеканалида.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Бугун — Жаҳон ёшлари куни».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Ёшлар ва спорт».
20.45 «Болливудга нигоҳ».
21.00 «Меҳр кўзда». Қашқадарё вилоятидан тайёрланган.
21.25 Суҳбатдан кейинги суҳбат.
21.40 «Бугун — Жаҳон ёшлари куни».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Сўнгги юриш».
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошланади».
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 «Суҳбатдош». Публицистик кўрсатув.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Учрашув». Ғайрат Убайдуллаев.
22.25 «Янги ой чиққан кеча».
22.45 «Даракчи».
22.55 «Морт ва Фил». Мультсериал.
23.15 «Бу — джаз».
23.35 Оҳанглар ва эълонлар.
23.40 Фильмофонд хазинасидан. «У замонлар ўтиб кетди».
00.55 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Мавзу».
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 128-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.45 «Моҳир».
23.00 «Вести».
23.30 «Польшага назар».
23.45 «Ахборот» (рус тилида).
00.10 Тунги сеанс: Мики Рурк ва Роберт де Ниро «Фариштa юраги» психологик триллерида.
02.00—02.05 Тунингиз осуда бўлсин.

ЧОРШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Лирик тароналар.
9.00 «Саломат бўлинг». Спорт дастури.
9.20 «Замин фидойилари».
9.35 «Жавоҳирлар бўстони». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Талаб ва таклиф».
10.30 Алифбо сабоқлари.
11.00 «Юртим жамоли». Публицистик кўрсатув.
11.20 «Кузги кемачалар». Мультфильм.
11.30 «Акс садо».
12.05 «Тасвирга кўчган кўнгил».
12.20 Кундузги сеанс: «Қимматга тушган ҳузур-ҳаловат». Бадиий фильм.
13.40 «Зилол-98». Фольклор-этнографик ансамбларининг телефестивали.
14.10—14.35 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Нима бўпти» лақабли бегемот». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Кўзгу». Тележурнал.
18.45 «Алпомиш авлодлари». Спорт дастури.
19.05 Жалолиддин Мангуберди таваллудининг 800 йиллиги олдидан. «Жалолиддиндан сўнг». 6-қисм.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.55, 23.50 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эрталари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.25 «Мусиқа ва замон».
22.00 «Элга кирсанг, элдек бўл».
22.20 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин туллор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 3-қисм.

«Тунги ҳамроҳ».

22.50 «Билим-ринг».
23.30 «Янги авлод».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Спорт майдончаси», Мульттомоша).
18.40 «Семург». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгил очар дастури.
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ракурс».
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.45 — Эълонлар.
20.30 Ринг.
20.45 «Рақслар қанотида».
21.05 Авторейд.
21.15 «Эркин фикр».
21.35 «Ёшлар» телеканалида.
21.40 Сиз севган хонанда: Охунжон Мадалиев.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 Ҳаммаси мода ҳақида.
22.50 Синема. «Важоҳат».
00.20 Хит-коллекция.
00.40 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўллам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.10 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Онагинам».
20.20 Мусиқий танаффус.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.50 «Хайрли оқшом».
22.20 «Севаман, жоним элим».
22.35 «Даракчи».
22.45 «Нурли мавж».
23.05 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 129-қисм.
22.20 «Бугун оламда...». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Шохсупа сари йўл». Спорт дастури.
23.00 «Вести».
23.30 «Бу бўстон аро...».
23.50 «Ахборот» (рус тилида).
00.15 Тунги сеанс: «Корсиканча анъаналар». Кинокомедия.
01.35—01.40 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот»

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Шаҳринг озода бўлсин».
9.05 «Талаба ва спорт».
9.25 «Маърифат маскани».
9.50 «Инсон ва шер». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Теран томирлар».
10.30 «Сарғайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
10.50 «Жараён».
11.10 «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
12.05 Кундузги сеанс. «У дунёдан келган қотил». Бадиий фильм.
13.40 Ёш ижрочилар концерти.
14.10—14.40 Каратэ бўйича жаҳон чемпионати.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Бешбармоқ». Тележурнал.
18.30 «Дунё адабиёти».
18.50 «Харита». Халқаро шарҳ.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мулкдор».
21.30 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин туллор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 4-қисм.
22.05 «Муҳаббат соғинчи». Мусиқий дастур.
22.30 «Сеҳрли шуҳла». Кинокўрсатув.
22.50 «**Сомон йўли**».
23.50 «Ахборот».
00.20—00.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Бўш ўтирма», Мульттомоша).
18.40 Мушоира.
18.50 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Мезон».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Одобнома».
20.45 «Ёшлар» телеканалида.
20.50 Шарқ эстрадаси.
21.05 Мутойиба.
21.25 Баҳс, мунозара, таҳлил.
21.45 Ёшлик наволари.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.50 Синема. «Ҳайр, ширин орзулар» (Покистон). 1-серия.
00.05 «Жаҳон жанговар санъати» (рус тилида).
00.20 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўллам.
18.20 «Билиб қўйган яхши».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Кўзгу».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ҳанда дўкони».
21.25 «Довюраклар». Телесериал.
22.15 «Яхши қайфият».
22.45 «Даракчи».
22.55 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
23.20 Оҳанглар ва эълонлар.
23.25 «Видео-О».
01.05 Хайрли тун, шаҳрим!

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тиғиз пайт».
19.05 «Эслашлари учун...». Ролан Быков. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
19.45 Шамолларда қолган ҳисларим «Скарлетт» сериалида.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 130-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Глинка 44».
22.40 «Спорт клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси». Орнела Мути.
23.50 Кинематограф: Орнела Мути «Биринчи муҳаббат» фильмида.
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55 Тунги сеанс: «Рим империясининг емирилиши». Бадиий фильм. 1-қисм.
03.25—03.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖУМА, 13

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Рақслар гулдастаси». Мусиқий дастур.
8.55 «Умр мазмуни».
9.15 «Банкоқдан Сиднейгача». Спорт дастури.
9.35 «Меъёр».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Халқ ижодиёти».
11.00 Болалар учун. «Кичкинтоймиз — гижингтоймиз».
11.20 «Маслак ва мақсад».
11.40 «Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
12.05 Кундузги сеанс: «Биринчи қалдирғоч». Бадиий фильм.
13.15 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Нефтчи» — «Пахтакор».
14.10—15.10 «Оталар сўзи — оқлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.25 «Имконият».
18.45 «Сиҳат-саломатлик».
19.05 «Қалб минбари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
21.45 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Олтин туллор» дуоибади». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
22.30 «Дўстлик тароналари». З. Каримова.
22.55 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.

23.25 «Азиз сиймолар».
23.45 Бадиий фильм.
01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Қизиқарли хабарлар, «Дунё ва болалар», Мульттомоша).
18.40 «Ҳуқуқ ва бурч».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.45, 20.30, 22.30 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 Автосалтанат.
20.45 «Бизнес доктор».
21.15 «Интерспорт».
21.30 Мусиқий клип-антракт.
21.35 «Азизим».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Ёшлар» телеканалида.
22.35 Синема. «Ҳайр, ширин орзулар» (Покистон). 2-серия.
23.45 Мусиқий сарҳадлар.
24.00 Спорт қитъаси.
00.30 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ерилтош». Мульттўллам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Жозиба».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Довюраклар». Телесериал.
21.45 «Адабий иқлим».
22.00 «Ишдаги ишқ ёки...».
22.20 «Даракчи».
22.30 Спорт оламида.
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.05 Тунги сеанс: «Панагиянинг ўғирланиши».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!».

ЎзТВ IV

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
*
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
*
17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 «Чип». Қисқа метражли бадиий фильм.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!.
21.00 «Время».
*
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 131-қисм.
22.20 «Бугун оламда...» Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Сизнинг адвокатингиз».
22.40 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Марти» (1955 йил). Бадиий фильм (АҚШ).
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 Тунги сеанс: «Рим империясининг емирилиши». Бадиий фильм. 2-қисм.
03.10-03.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 14

ЎзТВ I

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Ўзбекистон ифтихори». Спорт дастури.
9.25 «Ҳатларда — ҳаёт акси».

«Умид» намойиш этади:

10.05 «Газалхон ёшлигим».
10.25 «Очиқ дарс».
10.45 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
11.45 «Эй, умри азиз».
*
12.05 Телевизион миниатюралар театри.
12.40 «Фан ва тараққиёт».
13.00 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.
13.30 «Зийнат».
13.55 Кундузги сеанс: «Яна ўша Насриддин». Бадиий фильм. 1-серия.
14.45—15.15 «Вилоят хонандалари куйлайди». Мусиқий дастур.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин дала». Пахтакорлар учун ахборот-мусиқий кўрсатув.
21.45 «Чироғи ёниқ уй». Телетанлов.
22.15 «Ҳамма кўриши шарт эмас...». Мусиқий дам олиш дастури.
23.05 «Ахборот».

«Тунги ёғду». Дам олиш дастури.

23.35 «Куй ва тасвир».
23.55 «Нил дарёсидаги олишув». Бадиий фильм. 1-серия.
01.00—01.05 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Ёшлар куй

Мистик-фантастик қиссадан бўблар

(Давоми. Боши ўтган сонда).

Хуллас, Иван Иванич билан хайрлашдим-у, мен учун тамомила янгича ҳаёт бошланди. Хўжайинимнинг ўрнига марказдан Айра Габдуллина исмли соҳибжамол аёлни қўйишди. Янги котиба шунақанги гўзал нарса эдики, сутга чайилгандек оппоқ юзлари ниҳоятда хушбичим, қора қошлари қалдирғоч қанотларидек бир текис, елкалари оша тўзғиб ётувчи оловранг сочлари тилладек товланарди. Фақат катта-катта мовий кўзларигина кишига тешиб юборгудек совуқ боқарди.

Илк ишга келган куниёқ у мени хонасига таклиф этиб, рўпарасига ўтиришимни буюрди. Сўнгра ҳеч қандай андиша ва истиҳолага ўрин қолдирмайдиган оҳангда хаёсизлик билан гап бошлади:

— Гап бундай, ўртоқ: мен бу ерга марказдан жуда катта ваколатлар билан келганман. Икки марта гапиришни ёқтирмайман. Айтган гапим ҳамма ходимлар, айниқса, сен учун қонун бўлиши керак. Ҳайдовчи — ҳар қандай раҳбар, айниқса, мендай олий раҳбарнинг ўнг қўли ҳисобланади. Шу боис ҳар бир қадамингни ўлчаб босишингга тўғри келади, қиттак измимдан чиқсанг ҳам, аяб ўтирмайман, терингга сомон тиқаман. Тушунарлими?

Бу кутилмаган гапдан лол қолиб, зўрға оғзимни очдим:

— Тушунарли...

...Шукрулло бетон йўл чеккасидаги икки қаватли мўъжаз миршабхона биносига яқинлашаркан, жим қолиб, тезликни камайтирди. Сирдарёдан ўтган улкан кўприкка етиб келгандик. Бино яқинида беш-олти юк ва енгил мошиналар турар, уларнинг ҳайдовчилари икки миршабни ўраб олиб, алланималарни зўр бериб ўқдиришга уринишарди. Йўқ жойдан камчилик топган миршаблар эса, «осмон қўлларингда бўлса, ташлаб юборинглар», — дегандай ғўдайиб, бир нималик бўлиб қолиш илинжидами, сурбетлик билан ишни пайсалга солишарди.

Уларнинг ёнидан шошилмай ўтиб олганимиздан сўнг Шукруллога яна жон кирди.

— Хуллас, Роберт Назарович (шляпали мўйсафиднинг исми-шарифи шунақа экан) вилоят қўмитасининг янги котибаси билан қандай иш бошлаганини батафсил ҳикоя қиларкан, уйқусизликдан эснаганимни кўриб, буни зерикканимга йўйди чоғи, воқеалар тизимини хатлаб ўтиб, гапни қисқа қилди:

— Охир-оқибат иш шунга бориб етдики, мен ўша жодугарга уйланишга мажбур бўлдим.

Мен унга ҳайрон бўлиб тикилдим.

— Қанақасига?.. Жодугар деганингиз нимаси? — сўрадим чинданам ҳеч нарсага тушунмай.

— Ҳа, азизим, янги котибамизнинг асил маънода жодугарлигини англаб етишим учун у билан узоқ йиллар бирга яшашим зарур бўлди.

Азбаройи қизиқиб кетганимдан кўзларимда ўт чақнаганини кўрган мўйсафид жонланиб ҳикоясини давом эттирди:

— Айра Габдуллина қўл остида ишлайдиганларга ҳаммавақт заҳрини сочар, уларнинг дилини оғритиш ва ранжитишдан чинакам лаззат топар эди. У тадбиркор, ишбилармон, омади чопган одамларни жини севмас, айниқса, тақводор, ҳужжўй одамларни кўргани кўзи йўқ эди. Мен илгари буларни котибамизнинг фирқа мафкурасига чексиз садоқати, фирқа ишига фидойиларча муносабатига йўяр эдим. Лекин кейинроқ билсам...

— У сизни қандай қилиб... ўзига уйланишга мажбур қилди? — сўрадим мен сабрим чидамай, гапини бўлиб.

— Мен икки ой мобайнида худди аскардай унинг хизматини қилдим. Янги мошинадан ажралиб қолмай, деган ниятда унга ёқишга, дилига йўл топишга интилардим. (Ўша даврларда шўролар мамлакатида ишсизлар йўқ, деб гапириларди-ю, лекин аслида тузукроқ иш топиш қийин эди).

Кунларнинг бирида олис туманда иш билан анча кеч қолиб кетдим. Сўнгра янги котиба ташрифи шарафига энг зўр ресторанда базм уюштирилди. Хуллас, юкхонамни турли-туман ичимлик ва мева-чеваларга тўлдириб, ярим кечаси уйга отландик. Айра хоним ширакайф, орқа ўриндиқда оппоқ сонларини кўз-кўз қилаётгандай чалиштириб, ястаниб ўтираркан, бирдан менга:

— Мусиқангни қўй! — деб буюрди. Овозида аллақандай ёқимсиз шира, совуқ бир жозиба бордай туюлди менга.

Радионинг қулоғини бурагандим, Валентина Толкунованинг майин қўшиғи янгради. Айра шу заҳоти:

— Ўчир! — дея ўшқирди. — Шўхроғидан йўқми? Элвис Пресли ёки ўзимизнинг Богдан Титомирдан...

«Об-бо, шайтонча қўшиқларга ишқибоз экан-да», — хаёлимдан ўтказдим «рок»ни ўлгудай ёқтирмаганим боис ўлганимнинг кунидан ашқолдашқол солинадиган қутини титкиларканман. Ҳайрият, ҳамкасбларимдан бири солиб қўйган шекилли, бир кассета чиқди. Уни магнитофонга қўйишим билан бамисоли тўфон ёки бўронда қолиб кетган эркак кишининг ҳирқироқ овозда кучаниб айтган қўшиғи янгради.

— Товушини кўтар! — бақирди Айра хоним ўтирган жойида алламбало хатти-ҳаракатлар қилиб, рақс туша бошларкан.

Хуллас, у яқиндагина кўчган янги уйига етиб келганимизда, одамлар уй олишга йиллаб навбатда турган бир пайтда унинг бир ўзига беш хонали уй беришганди), шайтонча мусиқадан миям карахт қулоқларим том битган эди. Боз устига, орқа ўриндиқда ялпайиб ўтирган аёл томонга негадир қарашга ҳам юрагим безиллаб қолганди. Шу боис ҳам мошина юкхонасини очиб, ундаги шиша-пиша ва мева-чеваларни тез-тез уйга ташиб киргиздим. Сўнгра янги хўжайиним билан энди хайрлашмоқчи бўлаётгандим, унга нигоҳим тушди-ю, таққа тўхтаб қолдим. Унинг кўзларида айни бир вақтда ҳийла, макр, жоду ва аллақандай шум бир севги тажассумини туюб, тилим айланмай қолди. Ажабо, шу пайт кўз олдимда тухумсимон катта кўзгу пайдо бўлди ва унда кетма-кет ғалати ёзувлар акс эта бошлади: «Уйимда қол, истасанг — шампан ичамиз, истасанг — қаҳва...» Ё тавба, афтидан, шу йўл билан мен Айра хонимнинг миясида кечаётган фикрларни ўқий бошлагандим.

— Кетмай тур, мен ҳозир... — деди янги котибамиз нозли, эрка товушда шошилмай бурилиб, ичкарига йўл оларкан. Аёлнинг юриш-туриши, товушининг ўзидаёқ сеҳрловчи алланима бордай эди. Лаҳза ўтмай, янги хўжайиним қайтиб чиқди. Энди дилга ғавғо солувчи бўлиқ бадани яққол кўриниб турган узун шаффоф ичкўйлак кийган, қўлида биллур қадаҳ бор эди. Яна тухумсимон кўзгуда ёзув кўринди: «Ич, азизим...» Негадир томоғим қақраб турган эди, шартта қадаҳни олиб охиригача симирдим. (Кейинчалик билсам, бу — иссиқ-совуқ қилиб дамланган шароб экан).

Шу пайт... шу пайт Айра хоним кўз олдимда худди осмондан тушган фаришталдай ой юзли, шунақанги гўзал аёлга айландики, уни бамисоли Мажнундек бечораҳол ва нотавонларча севиб қолганимни англадим. Ҳозир рўпарамда турган гўзалнинг бошдан-оёғи жаҳонни ўртаб, оламга бир бошдан ўт солгудай офатижон бўлиб туюларди. Унинг яшиндай чақноқ нигоҳи юрагимга устма-уст ўт қалар, ғулғула солар эди.

Ўша куни бошимдан кечирган ишқий саргузаштларим таъриф-тавсифига тилим ожизлик қилади. Азбаройи ишқим зўрлиги ва чексиз бахтдан сарраст бўлиб, қандай унинг ётоқхонасига кириб кетганимни сезмай қолдим. Онадан қандай туғилган бўлсак, шундайлигимизча бир-биримизга арслондек ташландик. Айра мени эзиб-янчиб, тилка-пора қилиб ташлагиси келар, мен эса бундан ҳадсиз бахтиёрлик туярдим. Аёл жами ишқий дилкашликларни тескарисига, «оёғини осмондан» қилиб адо этар, унинг бу ғаройиб ҳатти-ҳаракатлари менга ҳам бир дунё завқ-шавқ бағишлар эди.

Хуллас, ўша тунни тонггача у билан айш-ишратда ўтказдим. Бундай қараганда, менинг, оддий бир ҳайдовчининг, бошига бахт қуши қўнгайдай, унча-мунча одамнинг қўли етмайдиган, кимсан, улкан вилоят фирқа қўмитаси дарғаларидан бири бўлмиш соҳибжамол аёлнинг муҳаббатини қозонган, висолига эришгандим. Етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган яна қанақанги висол!.. Лекин бу муҳаббат менга нечоғли қимматга тушишини, унинг ҳали бошимга нечоғли даҳшатли фожеалар солишини ўшанда тасаввуримга ҳам сиғдириолмасдим.

(Давоми келгуси сонда).

Абдулла Авлоний таваллудининг 120 йиллиги олдидан

ОҚ ТОНГЛАРНИ ОРЗУ ҚИЛГАН ШОИР

ЯҚИНДА Тошкент вилояти маданият бошқармасига қарашли республикамиздаги энг кўҳна маърифат ва маданият ўчоғи ҳисобланган «Турон» кутубхонасида жадидлар ҳаракатининг асосчиларидан бири — Абдулла Авлоний ҳаёти ва ижодига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиздаги таниқли олимлар, талабалар, ўқувчилар, китобхонлар қатнашдилар. Анжуманда миллий уйғониш адабиёти асосчиларининг забардаст вакили ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

Хусусан, «Жаҳон адабиёти» журналининг бош муҳаррири, профессор Озод Шарофуддинов ёшларга маърифатпарварнинг ҳаёти, ижоди, умрининг мазмун-мақсади, фидойилик ҳаракатлари ҳақида гапирди. Ғафлат ботқоғига ботган, қадрияти топталган халқ фақатгина истиқлол туфайлигина ўзлигини англаши мумкин. Бунинг учун ўз шажарамиздан келиб чиққан ҳолда, урф-одат, анъаналаримизни давом эттириб, илм орқали қалб кўзларини очиш заруратини ҳис қилмоқ лозим эди. Ниҳоятда таҳликали замон бўлишига қарамай, Абдулла Авлоний мана шундай масъулиятни ўз зиммасига олди. Бутун умрини шу курашга бахшида этди, мустақиллик жангчисига айланди.

— Жадидлар ҳаракати бошланган даврда юрт зулумот оғушида эди, — деди Тошкент Давлат дорилфунуни профессори, филология фанлари доктори Бегали Қосимов. — Элни уйғотмоқ учун, энг аввало, авлодларга илм ўргатиш зарурати туғилди. Бунда замон андозаларига мос келадиган ўқув қўлланмаларини яратиш, янги мактабларни ташкил этиш, тарғиботташвиқот ишларини олиб боришда нашрлар чоп этиш каби масалаларни ҳал қилиш муҳим вазифалар эди. Шунинг учун ҳам тиниб-тинчимас Авлоний айнан биз турган шу ердаги бинода «Турон» газетасининг ёруғ дунёни кўришида салмоқли ҳисса қўшди. Унда мақолалари билан мунтазам қатнашиб турди. Масалан, «Турон»нинг илк сонларидан бирида «Доимо босқинчилар ўзга юртни талайдилар. Хўжаликни хонавайрон қиладилар. Кейин эса ўз манфаатлари учун одамларни ишлатадилар. Бироқ, дунё саҳнида рус босқинидай фалокат келтирувчи гирдобни тарих кўрмаган. Улар халқ руҳиятини ўзгартиришга уриндилар. Алал-оқибат кичик халқни катта халқ «ютиб» юборишига ишондилар. Ўзликдан мосуво қилиш мақсадида турмушимизга ёт бўлган одатларни жорий эта бошладилар. Ойнинг ўн беши — қоронғу, ўн беши — ёруғ дегувчилар ҳайратланурки, биз учун ойнинг ўттиз куни ҳам зулматдан иборат бўлиб қолди...» деб ёзди. Демак, кўриниб турибдики, истиқлолга эришмай туриб, фаровонликка етиб бўлмайди. Буни яхши англаган ҳолда:

Кўзинг оч, ётма ғафлатдан
Ўсон миллат, ўсон миллат.
Топарсан бирла авлоднинг
Омон миллат, омон миллат.

деб ёзди Абдулла Авлоний.

— Мен, — деб суҳбатни давом эттирди Ўзбекистон Фанлар Академияси Адабиётшунослик институти профессори, филология фанлари доктори Наим Каримов, — Мунаввар қори, Фитрат, Чўлпон асарларини ўрганиш жараёнида ушбу кутубхона ёнидаги бино «Турон» театри эканлигини билиб олганман. Айнан шу ерда «Усули жадид»га асос солинган. Абдулла Авлонийнинг ўқитувчилик фаолияти 1911 йилдан бошланган. Шарқона руҳиятдан келиб чиққан ҳолда болалар адабиётига асос солди.

Абдулла Авлоний қуйидаги фикрларни олға суради: жаҳолат ва нафс билан курашиш — биринчи галдаги вазифадир. Бироқ, инсон ўзини одам деб ҳис қилмоғи учун ҳам моддий, ҳам маънан бойликка эга бўлмоғи зарур. Бусиз тўлақонли ҳаёт кечириш мумкин эмас. Айниқса, бу борада руҳонийларнинг ҳаётга бўлган муносабатлари халқ орзулари билан муштарак бўлса, қудратли куч вужудга келур эди. Афсуски, диний оқимларга берилиб кетиб, эллуснинг бўлинишига, улар ўрталаридаги низоларнинг кучайишига ва оқибатда халқ эркини қўлдан кетишига олиб келди. Агар руҳонийлар бизга қўшилишганда эди, босқинчилар бизнинг еримизда қолмас, қадримиз бунчалик топталмаган бўлур эди.

Хуллас, Абдулла Авлонийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақидаги маърузалар анжуман иштирокчиларининг қалбида катта таассуротлар уйғотди. Шунингдек, давра суҳбатида филология фанлари номзоди Шуҳрат Ризаев, Тошкент Давлат дорилфунунининг профессори, филология фанлари доктори Шариф Юсупов ҳамда вилоят маданият ишлари бошқармасининг бошлиғи Зоҳид Солиҳов қатнашчиларни қизиқтирган савол-ларга жавоб бердилар.

Муродилла ҒАФУРОВ.

АЛЛОМА НОМИДА ХАЛҚАРО ЖАМҒАРМА

Мамлакатимизда улуғ бобокалонимиз, буюк муҳаддис Имом Ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги кенг нишонланди. Юбилей муносабати билан аллома абадий қўним топган Челак тумани Хартанг қишлоғидаги қадамжода улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, у бутун дунёдан ташриф буюрадиган зиёратчилар учун муборак масканга айланди. Юбилейга тайёргарлик жараёнида ал-Бухорий ҳаёти ва илмий меросини янада чуқурроқ ўрганиш, кенгроқ тарғиб этишни қўллабқувватлаш мақсадида бир қатор жамоат ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ўқув юртлари ҳамда алоҳида шахслар жамоатчилик халқаро жамғармасини ташкил этиш таклифи билан чиқдилар. Бугун ушбу эзгу ният амалга ошди.

Тошкентда Имом ал-Бухорий жамоатчилик халқаро жамғармасининг таъсис мажлиси ўтказилди. Унда жамғармани таъсис этаётган вазирлик ва идоралар, қўмита ва компаниялар, жамоат ташкилотлари, илмий муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Мазкур жамғарманинг асосий мақсади ислом оламининг улуғ мутафаккири, ҳадис илмининг султони — Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама тадқиқ қилиш, аллома номи билан боғлиқ маданий ва тарихий ашёларни тўплаш, унинг ижодига мансуб асарлар ва қўлёзма манбаларни излаш ва чоп этиш, халқ ўртасида тарғиб қилиш, улардан ёшларни миллий ифтихор ва ватанпарлик руҳида тарбиялашда фойдаланишга кўмаклашишдан иборат.

(ЎзА).

ФРАНЦУЗ КИНОСИ ФЕСТИВАЛИ

Республика Киночилар уйида Франция киноси фестивали ўтказилмоқда. «Ўзбеккино» Давлат Акциядорлик Компанияси Франция элчихонаси билан ҳамкорликда уюштирган бу тадбир «Замонавий француз киносининг буюк актрисалари» деб номланган. Унда машҳур Француз киносанъаткорлари Изабель Аджани, Анни Жирардо, Изабель Юппер, Катрин Денёв иштирок этган «Қиролича Марго», «Сўнгги метро», «Батист хоним», «Севги комедияси» каби бадиий фильмлар намойиш этилмоқда.

Фестиваль очилишида Франция республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жан Клод Ришар қатнашди.

(ЎзА).

* * *

МАРОҚЛИ КЎРГАЗМА

Ҳиндистон элчихонаси Маданият марказида Ўзбекистон Бадиий Академияси бадиий ижодкорлар уюшмасининг аъзоси рангтасвирчи рассом Акмал Жамоловнинг шахсий кўргазмаси очилди. Бу ерда муаллифнинг йигирмага яқин сара асари намойиш этилмоқда. Мўйқалам устаси манзарачи рассом, Академик Ўрол Тансиқбоев йўлидан бораётгани боис унинг ижодида мамлакатимиз гўзал табиатини тараннум этиш асосий ўринни эгаллайди. Унинг шу мавзудаги асарлари томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

(ЎзА).

СПОРТСПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**

«СЕМУРҒ»НИНГ ҚЎШ ҒАЛАБАСИ

Вилоятимизнинг Чирчиқ шаҳрида футбол бўйича Миллий чемпионатнинг биринчи лигасига чиқиш ҳуқуқини қўлга киритиш учун саралаш учрашувлари ўтмоқда

Ҳа, шундай. Футбол бўйича Ўзбекистон миллий биринчилиги ўз ниҳоясига етиб бормоқда. Агар олий ва биринчи табақа совриндорлари ҳамда қуйи лигага тушиб кетадиган бахтсиз жамоалар аниқланиб қолган бўлса, вилоятлар чемпионлари ҳали курашни давом эттираётир. Улар юқори лигадаги омадсиз командалар ўрнини эгаллаш учун қизғин баҳсга киришишди.

Биринчи табақага чиқишга жадал ҳаракат қилаётган Оҳангароннинг «Семурғ» футбол жамоаси ўз муҳлисларини хурсанд қилаяпти. Улар даставвал вилоят чемпиони бўлишди. Саралаш ўйинида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Шуни айтиш керакки, тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда 16 та барча вилоятлар биринчилиги ғолиблари ҳамда иккита Ўзбекистон Кубоги финалида иштирок этган Давлат жисмоний тарбия футбол клублари шоҳсупага чиқиш учун ўзаро кураш олиб борадиган бўлишди. Бундай бахт шу гуруҳнинг иккита ғолибига насиб этади. Буни яхши тушунган вилоятимиз вакили — «Семурғ» биринчи ўйинда Хоразмнинг «Шохобод» командаси устидан 9:0 ҳисобида ғалаба қозонган бўлса, иккинчи турда Наманганнинг «Олтин бошоқ» жамоаси устидан 2:0 ҳисобида устун келди. Улар учинчи ўйинни 7 ноябрь куни Нукуснинг «Қорақалпоғистон Давлат Университети» командаси билан ўтказадилар. Биз «Семурғ»чиларнинг дадил парвозини қутлаб, уларга омад тилаб қоламиз.

Мурод ҒАФУРОВ.

Суратда: «Семурғ» — «Олтин бошоқ» учрашувидан бир лавҳа.

Умид АҲМЕДОВ олган сурат.

«Қибрай» жамоа хўжалиги
1998 йил ноябрь ойидан
«Қибрай» ширкат хўжалигига
айланганлиги муносабати билан *(ворис сифатида барча жавобгарлиги сақланиб қолган ҳолда)* мазкур хўжалик олдидаги барча дебитор ва кредитор қарзлар ташкилот ва корхоналардан хўжаликка дахлдор молиявий ҳисоб-китобларни аниқлаш учун мурожаат қилишларини сўрайди.
Бизнинг манзилгоҳимиз:
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қибрай шаҳарчаси, Сичков кўчаси, Марказий идора.
Индекс 702130 Қибрай МСБ бўлимидаги ҳисоб рақами 20208000900019060400 1 МФО 00410.

ТАНЛОВГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ

Ўзбекистон Республикасининг «Нотариат тўғрисида»ги қонунига мувофиқ Тошкент вилояти ҳокимлиги Адлия бошқармаси қуйида қайд этилган туман, шаҳарларда ўрни бўш қолган давлат нотариал идораларида ва таъсис этилган хусусий амалиёт билан шуғуланувчи нотариус лавозимларини эгаллаш истагини билдирган олий юридик маълумотга ва нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган фуқароларни танловда қатнашиш учун таклиф этади:

1. Давлат нотариал идораларида нотариуслик лавозимлари учун —

Янгийўл шаҳрида	1 та ўрин учун;
Чирчиқ шаҳрида	1 та ўрин учун;
Бекобод шаҳрида	1 та ўрин учун;
Ангрен шаҳрида	1 та ўрин учун;
Ўртачирчиқ туманида	1 та ўрин учун;
Чиноз туманида	1 та ўрин учун.

2. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслик лавозимлари учун —

Ангрен шаҳрида	1 та ўрин учун;
Оҳангарон шаҳрида	1 та ўрин учун;
Бекобод шаҳрида	1 та ўрин учун;
Янгийўл шаҳрида	1 та ўрин учун;
Чирчиқ шаҳрида	1 та ўрин учун;
Қибрай туманида	1 та ўрин учун;
Янгийўл туманида	1 та ўрин учун;
Паркент туманида	1 та ўрин учун;
Бўстонлиқ туманида	1 та ўрин учун;
Тошкент туманида	1 та ўрин учун;
Юқоричирчиқ туманида	1 та ўрин учун.

Аризалар қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб 45 кун.

Тошкент вилояти хокимлиги Адлия бошқармаси.

Об-ҳаво

ШАМОЛ ТЕЗЛИГИ ОШАДИ

Республика об-ҳавони кузатиш бош бошқармаси мутасаддиларининг хабар беришларича, 7-11 ноябрь кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида ҳарорат мўътадил бўлади. Фақатгина ҳафта охирига бориб айрим ҳудудларда ёғингарчилик бўлиши мумкин. Ҳарорат кечалари 5-10 даража илиқ, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлади. Шамол шарқдан ғарбга қараб ҳар дақиқада 7-11 метр тезлик билан эсади. Бу пайтларда ҳарорат 10-15 даражага пасаяди.

Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси Юқоричирчиқ тумани марказий шифохонасининг бош шифокори Ҳайдар Холдорович Бобохоновга волидаи муҳтарамаси
ТОЖИ аянинг
вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-99-15, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувдардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0487. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ. Адади 7.915 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672 Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 4 5